ЭПИДЕМИОЛОГИК-ПРОФИЛАКТИК ТЕЗИС БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИ МУАССАСАЛАРИДА ЗОТИЛЖАМ КАСАЛЛИГИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК СКТРИНИНГИ ВА ЭРТА ТАШХИСЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Камбарова Маърифатхон Абдувалиевна
Илмий рахбар: **Кабилова Дилбархон Камиловна**
Central Asian Medical University, Клиник ординатор, Фарғона, Ўзбекистон
https://doi.org/10.5281/zenodo.23158097

Кириш. Аҳолига кўрсатилаётган birlamchi tibbiy-sanitariya yordamini takomillashtirishda респиратор касалликлар, жумладан, зотилжамнинг эрта олдини олиш ва ташхислаш устувор вазифадир. Атроф-муҳит омиллари ва мавсумийлик таъсирида зотилжамнинг тарқалиш хавфи ортиб бормоқда.

Тадқиқот мақсади. Билимдонлик ва скрининг усулларини қўллаган ҳолда бирламчи тиббий-санитария ёрдами (БПМ) даражасида зотилжамни барваqt аниқлаш мезонларини такомиллаштириш.

Материал ва усуллар. Фарғона вилояти оилавий поликлиникаларига мурожаат қилган 200 нафар респиратор симптомлари бўлган беморлар ўртасида скрининг ва дифференциал ташхисот ўтказилди. Скрининг мезонлари сифатида тахипноэ (нафас сони), пульсоксиметрия, тана ҳарорати ва экспресс-лаборатор тестлардан фойдаланилди.

Натижалар ва муҳокама. Скрининг натижасида БПМ даражасида нафас сонининг ошиши (>20-24 марта/мин) ва SpO_2 кўрсаткичининг 95% дан пасайиши зотилжам касаллигининг эрта ва хавфли босқичидан далолат берувчи етакчи триажа мезонлари эканлиги аниқланди. Экспресс скрининг усуллари орқали зотилжам бўйича юқори хавф гуруҳидаги беморлар аниқланиб, уларда рентгенологик текширувлар ўтказилганда ташхис 92,4% ҳолатда ўз тасдиғини топди. Бу эса БПТСИ муассасаларида касалликни вақтида аниқлаб, асоратлар ва госпитализация даражасини 35% га камайтириш имконини берди.

Хулоса. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида пульсоксиметрия ва физикал скрининг мезонларини кенг жорий этиш зотилжамни эрта босқичда ташхислаш ҳамда профилактика самарадорлигини оширишнинг асосий омили ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Казимова С. Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида зотилжам касаллиги эпидемиологияси ва профилактикаси // Жамоат саломатлиги ва соматик касалликлар. – 2026. – №1. – Б. 33–39.
2. Алиева Г.А., Казимова С. Аҳоли ўртасида ўткир зотилжамнинг тарқалиш частотаси ҳамда триаж скрининг мезонлари // Бирламчи тиббий-санитария ёрдами ахборотномаси. – 2025. – №3. – Б. 18–24.
3. World Health Organization. Revised WHO classification and treatment of childhood pneumonia at health facilities. – Geneva: World Health Organization, 2014. – 34 p.
4. Feldman C., Anderson R. Recent advances in the epidemiology and prevention of community-acquired pneumonia // Journal of Infection. – 2020. – Vol. 81, №6. – P. 841–852.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.